

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2019. ТАР. 01.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИНСОПОВ АБДУҒАШПОР АБДУСАМАТОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА  
ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАР ИЖТИМОЙ  
ШЕРИКЛИГИ (1991-2016 йй.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Инсопов Абдуғаппор Абдусаматович**

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишда давлат ва нодавлат ташкилотлар ижтимоий шериклиги (1991-2016 йй.).....3

**Инсопов Абдуғаппор Абдусаматович**

Социальное партнерство государственных и негосударственных организаций в создании гражданского общества в Узбекистане (1991–2016 гг.). .....25

**Insopov Abdugappor Abdusamatovich**

Social partnership of state and non-state organizations in the creation of a civil society in Uzbekistan (1991–2016 years).....49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works** .....53

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2019. ТАР. 01.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИНСОПОВ АБДУҒАШПОР АБДУСАМАТОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА  
ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАР ИЖТИМОЙ  
ШЕРИКЛИГИ (1991-2016 йй.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.2.PhD/Tar122 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://ik-tarix.nuu.uz>) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Муртазаева Раҳбархон Ҳамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Обламуродов Наим Халилович**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.2019.Tar.01.04 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория.) Тел.: (99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21, (99871)246-02-24; e-mail: [наука@nuu.uz](mailto:наука@nuu.uz) Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино). Тел.: (99871)236-46-55, факс: (99871) 246-02-04).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси билан).

**Х.Э.Юнусова**

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш раиси в.б., т.ф.д., профессор

**Б.Б.Хайназаров**

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш котиби тарих фанлари бўйича фалсаф доктори (PhD), доцент

**Н.У.Мусаев**

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ХХІ аср жадал замонавий тараққиёт, информацион технологиялар ривож топган давр бўлиши билан бир қаторда, ижтимоий ҳаётда кўплаб давлатларнинг фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги муаммолари мавжудлигини ҳам намоён қилмоқда. Халқаро ташкилотлар, хусусан, БМТ томонидан қабул қилинган расмий ҳужжатларда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг давлат билан ижтимоий шериклиги атроф-муҳит муҳофазаси, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, хотин-қизлар, ёшлар масалалари каби кўплаб соҳаларда ижобий натижаларини намоён қилиш баробарида унинг замонавий механизмларини ишлаб чиқиш заруратини ҳам келтириб чиқармоқда.

Дунё миқёсида фуқаролик жамиятини барпо этишда давлат ва нодавлат ташкилотлари ижтимоий шериклиги муаммоси, жамиятда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, ўзаро ҳамкорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали иқтисодий-ижтимоий ва маданий соҳаларда ижтимоий шериклик истиқболлари белгилаш каби ишлар амалга оширилмоқда.

Республикада сўнгги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларини янада қўллаб-қувватлаш, давлат ташкилотлари билан ижтимоий шерикликни ривожлантириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш юзасидан қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. «Бундай ҳамкорликни, энг аввало, таълим, маданият, тиббиёт, экология, қурилиш, кадастр, транспорт, коммунал хўжалиги, бандлик, ижтимоий хизматлар кўрсатиш каби муаммоли соҳаларда кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади»<sup>1</sup>. Бу, ўз навбатида, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда ижтимоий шериклик муҳим вазифа сифатида белгиланганлигини илмий асосда таҳлил қилишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги 763-І-сон «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», 2014 йил 28 августдаги ЎРҚ-376-сон «Ижтимоий шериклик тўғрисида», 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ-537-сон «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги ПФ-5430-сон «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 4 мартдаги ПФ-6181-сон «2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020. -№276 (7778) . – Б. 3.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунга қадар амалга оширилган илмий тадқиқотларда фуқаролик жамиятини шакллантиришда давлат ва нодавлат ноtijорат ташкилотлар ижтимоий шериклиги масалалари билан боғлиқ муаммоларни тарихий, ҳуқуқий ва иқтисодий-ижтимоий жиҳатлари республика ва хорижий мутахассислар томонидан ўрганилган. Мавзуни тадқиқ этишда адабиётларни уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир: биринчиси, мавзунинг тарихий жиҳатлари ёритилган тадқиқотлар; иккинчиси, ижтимоий-гуманитар соҳа вакиллари томонидан чоп этилган ишлар; учинчиси, мавзуга оид хорижда нашр этилган адабиётлар.

Биринчи гуруҳга кирган адабиётлар мавзунинг тарихий жиҳатларини қамраб олади. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида давлат ва нодавлат ноtijорат ташкилотлари томонидан соғлиқни сақлаш, ногирон ва ёлғиз кексаларни қўллаб қувватлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, таълимни ривожлантириш масалалари Р.Муртазаева, Д.Бобожонова, А.Маврулов, Д.Иноятова<sup>2</sup> ва бошқа тарихчи олимларни қатор илмий нашрларида ўз аксини топган. Шунингдек, М.Рахимов, О.Топилдиев, Ҳ.Холиқулова, Д.Абдуллаев, М.Шамсиева<sup>3</sup> ва бошқаларнинг диссертация тадқиқотларида XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда аҳолига хайрия ва ҳомийлик ишларида жамият, уюшмалар фаолияти, мустақиллик йилларида жамоат ташкилотлари ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари, ижтимоий ҳимоялашга ихтисослашган нодавлат ташкилотларнинг фаолияти, давлат ва нодавлат ноtijорат ташкилотларининг ижтимоий шериклиги масалалари ўрганилган.

Иккинчи гуруҳга ижтимоий-гуманитар соҳа вакиллари изланишларига оид ишлар туркуми ташкил қилади. Ушбу масалани бевосита ижтимоий

---

<sup>2</sup> Муртазаева Р.Х. ва бошқ. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш. - Тошкент: Маънавият, 2017; Бобожонова Д.Б. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1995; Иноятова Д. Международная деятельность профсоюзов республики Узбекистан: этап становления / Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар тарихидан. – Тошкент: Университет, 1998.

<sup>3</sup> Рахимов М.А. Сотрудничество Республики Узбекистан со специализированными учреждениями ООН 1991-1999 гг. (на примере ЮНЕСКО): Автореф. дисс... канд. истр. наук. - Ташкент: ИИ АН РУз, 2000. – С.33; Топилдиев О.Р. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг тутган ўрни (1991-2008 йиллар). Тарих фан. номз. дисс. – Тошкент: ЎзМУ, 2011. – 166 б.; Холиқулова Х. Ўзбекистонда имконияти чекланган шахсларни ҳимоя қилиш сиёсати (1991-2014 йй.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даража олиш учун дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 46 б.; Абдуллаев Д.Н. Ўзбекистонда хайрия ва ҳомийликнинг ривожланиш тарихи (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даража олиш учун дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 15 б.; Шамсиева М. Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишда давлат ва нодавлат ноtijорат ташкилотларнинг ўрни (1991-2010 йй.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даража олиш учун дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 48 б.

фанларнинг муайян йўналишлари бўйича ўрганган Ф.Мусаев, М.Шарифхўжаев, М.Қирғизбоев, А.Муминов, Э.Нишанбаева, Ш.Бегматов ва бошқаларнинг асарларида ҳам атрофлича ёритилган бўлиб, мазкур тадқиқот мавзусини ёритишда муайян даражада хизмат қилган<sup>4</sup>. Иқтисодчи олимлар М.Ҳакимова, Р.Убайдуллаева, А.Ваҳобов, Н.Мажидовлар асарларида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг бозор иқтисодиётидаги ўрни ва вазифаси, ҳалқаро тажриба ва унинг ўтиш давридаги мамлакатлар учун аҳамияти тадқиқ этилган<sup>5</sup>. Шунингдек, мавзу юзасидан ҳуқуқшунос олимлар А.Азизхўжаев, А.Саидов, З.Исломов, Х.Маматов, Х.Одилқориев, А. Гонорская, В.Топилдиев, Ш.Назаров, Д.Холманова<sup>6</sup> ва бошқаларнинг асарларида Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш муаммолари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий асослари, ташкил этилиши, ва қайта ташкил этилиши, шунингдек, уларни тугатилиши каби масалалар атрофлича ўрганилган.

Учинчи гуруҳга масала моҳиятига оид хорижда чоп этилган ишлар туркуми киради<sup>7</sup>. Уларда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муаммолари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва уларнинг самарадорлиги билан боғлиқ масалалар акс этган.

---

<sup>4</sup> Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 270 б.; Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 508 б.; Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти институтлари. – Тошкент: Академия, 2006. – 128 б.; Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б.187; Муминов А., Нишанбаева Э., Абдухалилов А. Ижтимоий шериклик. – Тошкент: Университет, 2018. – Б.83. Бегматов Ш. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ижтимоий шериклик ва консенсуснинг роли. сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даража олиш учун дисс. автореф – Тошкент, 2020. – 43 б.

<sup>5</sup> Ҳакимова М.А Роль государства в развитии социального сектора // Экономика и статистика, 1999. №4. – С. 73-74; Убайдуллаева Р.А. Сильная социальная политика и развитие системы социальных гарантий // Общество и экономика, 1998. № 3с. 132-141; Ваҳобов А.В. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. Иқтисод. фан. докт. дисс. – Тошкент: Макроиктисодий ва ижтимоий таъминотлар институти, 2001. – 185 б.; Мажидов Н. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий суғурта тизимини ислоҳ қилиш (Пенсия тизими мисолида). Иқтисод фан. номз. дисс. Тошкент: ЎзМУ, 2003. – 143 б.;

<sup>6</sup> Азизхўжаев А.А. Демократия халқ ҳокимияти демакдир. – Тошкент: Шарқ, 1996. – 226 б; Саидов. А.Х. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”ни фаол амалга оширишда Жамоат фонди ва Парламент комиссияси фаолияти график ва статистик рақамларда. – Тошкент: ART FLEX, 2015. – 96 б.; Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 264 б.; Маматов Х.Т. Ҳуқуқий маданият ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш муаммолари. – Тошкент: Yurist-media markazi, 2009. – 256 б.; Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти – Тошкент: Шарқ, 2002. – 320 б.; Гонорская А.В. Административное и финансовое управление негосударственных некоммерческих организаций. – Ташкент: Шарқ, 1999. -199 б.; В.Р.Топилдиев. Фуқаролик ҳуқуқи (Ўқув қўлланма). – Т.: Чўлпон номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2011. – 624 б.; Назаров Ш.Н. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда жамоат ташкилотларининг роли (назарий ва ҳуқуқий масалалари) Ю.ф.н. илмий даража олиш учун дисс. – Тошкент. – 135 б.; Ҳолмонова Д.Р. Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жамоат бирлашмалари тизимидаги ўрни. Ю.ф.н. илмий даража олиш учун дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – 26 б.

<sup>7</sup> Хольцман Р. Об экономических выгодах и фискальных требованиях перехода от неоплаченных к оплаченным пенсиям / Вашингтон, Университет Джона Гопкинса, 1999. – 70 с.; Аткинсон Э., Стиглиц Дж. «Лекции по экономической теории государственного сектора». – М., 1995. 126 б; Бабич А.М., Гаврилова Н.М., Пономаренко Е.В. Третий сектор: механизм некоммерческого хозяйствования. – М., 1999. – 136 с.; Жильцов Е.Н. «Экономика общественного сектора и некоммерческих организаций». – М., 1995. – 185 с.; Кадомцева С.В. «Экономические основы системы социальной защиты». – М., 1997 г. – 248 с.; L.M. Salamon, Н.К. Anheier, Global Civil Society Dimensions of the Nonprofit Sector. The Johns Hopkins Center for Civil Society Studies Baltimore, MD • 1999. – 511 sh.

Мавжуд адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш давомида Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт бобида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг иштироки ва уларнинг шаклланиши тарихи масаласи умумлашган ҳолда тарихийлик нуқтаи назаридан тадқиқ этилмаганлигини кузатиш мумкин. Мавзу тарихшунослиги таҳлили шундан далолат берадики, шу вақтга қадар тадқиқ этилаётган мавзунинг тарихийлик аспекти алоҳида илмий тадқиқот сифатида ўрганилмаган. Бу ўз навбатида мавзунинг долзарблик жиҳатини яна бир қарра тасдиқлайди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «46-01/81 Тошкент шаҳри маҳаллаларида «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда олима аёлларнинг иштирокини такомиллаштириш (Тошкент шаҳри Олмазор тумани маҳаллалари мисолида 2018-2019 йй.)» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки, уларнинг давлат билан ижтимоий шериклигини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг шаклланиши ва ривожланиш тарихини ўрганиш;

давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий шериклигининг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ривожланишида хорижий давлатлар тажрибаси ва амалиётини тадқиқ этиш;

аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва манзилли ижтимоий ҳимояни кучайтиришда давлат ва нодавлат ташкилотлари ижтимоий шериклигини очиб бериш;

атроф муҳит муҳофазаси, экологик ҳолат ва соғлиқни сақлаш соҳасида давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий шериклигини таҳлил қилиш;

баркамол авлод таълими ва тарбияси, ёшлар спортини ривожлантиришда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокини ёритиб бериш;

тарихий-маданий қадриятларни тиклаш ва сақлашда ҳамда хотин-қизларни қўллаб қувватлашда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ўрганиш;

илмий хулосаларга таянган ҳолда Ўзбекистонда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантиришга оид таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланишида давлат ва нодавлат



нотижорат ташкилотлар ижтимоий шериклиги масаласи ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ташкил этилиши, уларнинг вазифа ва ваколатлари, давлат билан ижтимоий шериклиги, республикадаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий жараёнлардаги иштироки белгиланган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тарихий-қиёсий, тизимлилик ва қиёсий таҳлил тамойилларидан ҳамда фанлараро ёндашув, муаммовий-хронологик усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бозор муносабатларига ўтиш даврида вужудга келган нодавлат нотижорат ташкилотлар республика ҳаётида аҳолини ижтимоий ҳимояси, илм-фан, маданият ва санъат каби соҳаларни ривожлантиришда давлатга кўмакчи бўлганлиги асосланган;

мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотлари сони ва сифати ўзгариши жараёнида уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокида функционал вазифаларнинг кенгайиши демократияни қарор топтиришда асосий механизм сифатидаги мавқеини ортишига имкон яратганлиги исботланган;

нодавлат нотижорат ташкилотлар ижтимоий шериклигининг муваффақиятли амалга ошишига тўсқинлик қилган учта сектор (давлат, тижорат, нотижорат) ўртасида ҳуқуқий саводхонликни тўлиқ шаклланмаганлиги, ҳудудлардаги ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларни тўғри баҳоламаслик кабилар нодавлат сектор фаолияти ривожига салбий таъсир кўрсатаётганлиги аниқланган;

сўнги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг аҳолининг кам таъминланган ижтимоий қатламларини қўллаб-қувватлаш орқали ижтимоий соҳадаги давлат харажатларини камайтириш ишларидаги, аҳоли бандлигини таъминлашдаги иштироки ортиб бораётганлиги далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўрта Осиё ҳудудларида қадимдан жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда махсус уюшмалар бўлганлиги ва улар асрлар мобайнида такомиллашиб, жамиятда ижтимоий шерикликнинг ўзига хос шакллари қадриятга айланганлиги кўрсатиб берилган;

тадқиқот натижаларидан Республикаси Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини такомиллаштиришда фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда тарих фанида тан олинган ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, архив ва жорий архив ҳужжатлари, тегишли адабиётлар ва манбалардан фойдаланилгани, илмий маълумотлар асосида чиқарилган хулоса ва тавсиялар ваколатли тузилмалар томонидан амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мустақиллик йилларида Ўзбекистонда

нодавлат нотижорат ташкилотларини фаолияти билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш масаласи ва унда нодавлат нотижорат ташкилотларини иштироқи бўйича янги қарашлар ва ёндашувларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти тарихи бўйича материаллардан олий таълим муассасаларининг талабалари учун Ўзбекистоннинг энг янги тарихдан дарслик ҳамда ўқув қўлланмалар яратишда, монография, рисола ва хрестоматиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишда давлат ва нодавлат ташкилотларини ижтимоий шериклигига оид ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари қадимдан мавжуд бўлиб, мустақиллик йилларида ижтимоий шериклик умуммиллий даражага кўтарилганлиги ҳамда ижтимоий консенсус феноменига айланганлиги тарихий эволюциясига оид натижалардан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди” томонидан нодавлат ташкилотларни фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ ҳуқуқий механизмларни такомиллаштирида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг 2021 йил 12 январдаги 18/1-69-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши нодавлат ташкилотлари бўйича ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг тегишли қисмларини такомиллаштиришга хизмат қилган.

демократик ислохотларни амалга ошириш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлари сони ва сифати ўзгариб, функционал вазифалар ортиши натижасида илм-фан, экология, аҳоли саломатлигини сақлаш, ёш авлодни тарбиялашда ижтимоий шериклик самара бераётганлиги билан боғлиқ илмий хулосалардан Ўзбекистон Миллий университети Тарих факультети 5120300 Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) таълим йўналиши негизидаги 5A120303 - Давлат бошқаруви ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув мутахассислиги учун ДТС, малака талаблари ва фан дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 ноябрдаги 89-03-4843-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар ўқув жараёнини такомиллаштириш ҳамда тегишли даврлар бўйича мавзуларни бирламчи манбалар асосида ёритиб беришга имкон яратган.

давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий шериклиги сустривожланганлиги, уларни молиялаштиришда асосан давлат субсидияси, давлат грантлари ва давлатнинг ижтимоий буюртмаларига таяниб, фуқаролар ташаббуслари учун тегишли имтиёзлар механизми яратилмаганлиги билан боғлиқлигига оид илмий натижа ва хулосаларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston» телерадиоканали»

ДУК қошидаги «O‘zbekiston tarixi» телеканали «Тақдимот» кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston» телерадиоканали» ДУК қошидаги «O‘zbekiston tarixi» телеканалининг 2021 йил 16 февралдаги 02-10-226-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши телетомошабинларда нодавлат нотижорат ташкилотларни тарихий илдизлари, ушбу ташкилотларнинг давлат билан ижтимоий шериклиги масаласида амалга оширган амалий ишлари билан боғлиқ тасаввурларининг кенгайтишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 20 та илмий конференция ва семинарларда, шу жумладан, 6 та халқаро конференция ҳамда 14 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 1 таси хорижий нашрларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 156 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда ўрганиш объекти ва предмети аниқланган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг шаклланишида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни» деб номланган биринчи бобида фуқаролик жамиятини шаклланишида нодавлат нотижорат ташкилотларни давлат билан ижтимоий шериклик муносабатларининг вужудга келиши, мазмун-моҳияти, нодавлат нотижорат ташкилотларининг тарихи, ҳуқуқий-меъёрий асослари, фуқаролик жамияти институтларининг ривожланишида хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил этилган.

Жаҳон амалиётидан маълумки, фуқаролик жамиятини шаклланиши ва ривожланиш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни катта аҳамият касб этади. Масала моҳиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 29 декабр 2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида «... Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик

жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратиш зарур. Айниқса, мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни чуқур таҳлил қилиш, ечимлари бўйича таклиф ишлаб чиқиш, ижроси устидан жамоатчилик назоратини таъминлашга ижтимоий буюртма асосида нодавлат нотижорат ташкилотлари кенг жалб этилади» деб таъкидлаб ўтади<sup>8</sup>.

Маълумки, Ўрта Осиёда инсонларни жамоа бўлиб бирлашиш жараёнлари қадимдан шаклланган бўлиб, зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да ҳам бу борадаги маълумотлар қайд этилган. Академик А.С.Сагдуллаевнинг фикрича, Авестонинг Яшт китобида Ўрта Осиёда қабилалар сиёсий бирлашмаси таркиб топганлиги таъкидланади<sup>9</sup>.

Мил. авв. VII-VI асрларда Аттика жамоасида махсус сиёсий Афина аристократияси манфаатларини ифодаловчи ўзига хос сиёсий тузилма бўлган<sup>10</sup>. Қадимги Римда Юстиниан пандектларида ёзилишича, Рим ҳуқуқида юридик шахсларни тўртта тури мавжудлиги ва шулардан бири «хайрия муассасалари» эканлиги қайд этилган<sup>11</sup>. Бундан ташқари Рим ҳуқуқига оид манбаларда юридик шахс мақомига эга бўлган кўпгина хайрия муассасалари фаолият юритганлиги таъкидлаб ўтилган<sup>12</sup>.

Ўрта асрлар тарихига эътибор қаратилса, фозил жамият ва унга эришиш масалаларини кўплаб Ўрта Осиёлик мутафаккирлар ўз асарларида талқин қилганликларини кўриш мумкин. Хусусан, Абу Райхон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Али Ибн Сино, Аҳмад Югнакий, Абу Наср Форобий асарларида ўз ифодасини топганлигини кўриш мумкин. Абу Наср Форобий ўз қарашларида давлат ва жамиятнинг фарқли жиҳатларини таърифлаб ўтган<sup>13</sup>.

Шу билан бир қаторда Қуръони Каримда ҳам ихтиёрий равишда бирлашма, уюшмалар бўлганлиги ҳақида сўз юритилиб, 106 – «Қурайш» сурасида қабиланинг қарвон савдосини ташкиллаштиришда ўзаро жамоа бўлиб бирлашганликлари қайд этилади<sup>14</sup>. Шу билан бирга ислом динида бевабечораларга раҳм кўрсатиш, уларга ҳомийлик қилиш масаласи асосий ўринни эгаллаган.

Фозил жамият ҳақида Алишер Навоий ўзининг «Ҳайрат-ул аброр» достонида «агарда халққа яхшилик қилсанг, бундан ўзингга фойда бўлади. Инсонга меҳр-муравватли бўлиш лозимлиги, ҳукмдорлар халқ ва давлат фаровонлиги учун зарур бўлган тартибни ўрнатиш ҳамда унга риоя этиш учун

---

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020. -№276 (7778). – Б. 3.

<sup>9</sup> Эшов Б.Ж., Одилов А.А. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – Б. 86.

<sup>10</sup> Юрьев С.С. Правовой статус общественных объединений. – Москва: Инженер ин-кварти, 1995. – С. 12.

<sup>11</sup> Ҳолмонова Д.Р. Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жамоат бирлашмалари тизимидаги ўрни. Ю.ф.н. илмий даража олиш учун дисс. – Тошкент, 2012. – Б. 19.

<sup>12</sup> Топилдиев В.Р. Рим ҳуқуқи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. – Б. 78-79.

<sup>13</sup> Фаробий Абу Наср. Фозил Одамлар шахри. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси, 1993. – Б.186.

<sup>14</sup> Закиров И. Турабеков Т. Некоторые аспекты влияния мусульманского и традиционно-обычного прав на законодательство Республики Узбекистан о негосударственных некоммерческих организациях // Давлат ва ҳуқук, 2003. №4. – Б. 23

яратилган ва шунинг учун мавжуддир» деб таъкидлайди<sup>15</sup>.

Совет ҳукмронлиги йилларида ҳам бу каби жамоат ташкилотлари, турли хилдаги уюшмалар фаолият кўрсатган. Жумладан, 1918 йилда Тошкентда «Деҳқон» иттифоқи, кейинчалик қишлоқ ва овулларнинг ерсиз ва кам ерли маҳаллий деҳқонларини бирлаштирган «Кўшчи» уюшмалари ташкил этила бошланди. 1919 йили Туркистон Ер ишлари Халқ Комиссарлигининг кўмаги билан камбағаллар кўмиталари «Комбед»лар тузилди<sup>16</sup>. Шу билан бир қаторда 1920 йилларда Рабземлес, Ишчиларга ёрдам берувчи халқаро ташкилот (МОПР), «Йўқолсин саводсизлик», «Худосизлар иттифоқи» каби жамоат ташкилотлари ҳамда илмий-техник ва ижодий жамиятлар ҳам фаолият кўрсатган<sup>17</sup>.

XX аср 90-йилларида Ўзбекистонда жамият манфаатларини кўзлаб фаолият юритувчи турли даражадаги нодавлат нотижорат ташкилотлар юзага келиб, жумладан, «Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек номидаги Республика фонди» ва Ўзбекистон ишбилармон аёллари «Тадбиркор аёл» каби уюшмалар ташкил этилган<sup>18</sup>.

Тадқиқотда, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларини шаклланиши ва ривожланиши бир неча босқичларга бўлиб таҳлил этилган. Хусусан, биринчи босқич: қадимги даврдан араблар истилосигача бўлган давр бўлиб, инсонлар томонидан умумий тарзда ўзаро уюшган ҳолда жамиятдаги муаммолар ҳал қилинган. Иккинчи босқич: VIII аср бошидан XIX аср 2-ярмигача бўлган давр бўлиб, унда савдо карвонларини ташкиллаштирилиши, ислом динидаги закот, хайр-садақалар бериш, ҳунармандчилик маҳаллалари, деҳқонлар (миришкорлар) уюшмалари ташкил этилиши кузатилади. Учинчи босқич: Россия империяси мустамлакачилиги даврида жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий, маънавий қийинчиликлар туфайли ўзаро уюшмаларни вужудга келиши ва жаҳидлар томонидан ташкил этилган хайрия фондларни ташкил этилиши билан изоҳланади. Тўртинчи босқич: совет ҳукмронлиги даври ҳисобланиб, жамоат ташкилотлари асосан совет кишиларини тарбиялашга хизмат қилган (Ихтирочилар ва рационализаторлар илмий техник жамиятлари, Динамо, Спартак, Шахматсеварлар жамияти ва бошқалар). Бешинчи босқич: мустақиллик даври ҳисобланиб, демократик ва ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамият асосларини шаклланишига хизмат қиладиган нодавлат ташкилотларни юзага келиши, ҳуқуқий асосларини яратилиши ҳисобланади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари атамаси илк бора «жамият», «кўмита», «хусусий жамият», «иттифоқ», ўртоқчилик», «кооператив», «клуб», «ассоциация» деб номланган. XX асрга келиб фанда «хусусий – фойда олишни

<sup>15</sup> Маматов Х. Ҳуқуқий онг ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш муаммолари. – Тошкент: Yurist-media markazi, 2009. – Б.37.


<sup>16</sup> Эшов Б.Ж., Юнусова Х.Э. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – Б. 325-326; Ҳолмонова Д.Р. Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жамоат бирлашмалари тизимидаги ўрни. Ю.ф.н. илмий даража олиш учун дисс. – Тошкент, 2012. – Б. 20.

<sup>17</sup> Назаров Ш.Н. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда жамоат ташкилотларининг роли (назарий ва ҳуқуқий масалалари) Ю.ф.н. илмий даража олиш учун дисс. – Тошкент, 2009. – Б.15.

<sup>18</sup> Ҳолмонова Д.Р. Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жамоат бирлашмалари тизимидаги ўрни. Ю.ф.н. илмий даража олиш учун дисс. – Тошкент, 2009. – Б. 20.

ўз олдига қўймаган жамият» атамаси пайдо бўлди<sup>19</sup>. «Нодавлат ташкилот» атамаси дастлаб 1945 йил БМТнинг Низомида ишлатилган<sup>20</sup>. Бу атама Бразилияда «фуқаролик жамияти», Германияда «ассоциациялар сектори», Францияда «ижтимоий хўжалик», Мисрда «фуқаролик тизими», Японияда «ижтимоий корпорация», Буюк Британияда «хайрия ташкилоти» тарзида ишлатилади<sup>21</sup>.

Республикада нодавлат нотижорат ташкилотларни ўсиш кўрсаткичларига эътибор қаратилса, 1991 йилдан 2016 йилгача бўлган даврда асосан нодавлат нотижорат ташкилотларга эҳтиёжни тобора ортаётганлиги ҳамда бу борада давлат томонидан ҳам жиддий қадамлар қўйила бошланганлигини кўрсатади<sup>22</sup>.



Шу аснода, республика ҳаётида аҳолини ижтимоий ҳимояси, бозор муносабатига ўтиш даврида ижтимоий соҳа, илм-фан, маданият ва санъат ва бошқа масалаларни ҳал қилишга қаратилган нодавлат нотижорат ташкилотлар ташкил этилди. Булардан Улуғбек номидаги республика иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси<sup>23</sup>, «Наврўз» хайрия жамғармаси<sup>24</sup>, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси<sup>25</sup>, «Меҳр-шафқат», «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси<sup>26</sup>, «Умид», «Устоз», Ижодкор ёшларнинг «Истеъдод»

<sup>19</sup> Ҳолмонова Д.Р. Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жамоат бирлашмалари тизимидаги ўрни. Ю.ф.н. илмий даража олиш учун дисс. – Тошкент, 2009. – Б.23.

<sup>20</sup> <http://otetrad.ru/article-500.html>.

<sup>21</sup> Ҳолмонова Д.Р. Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жамоат бирлашмалари тизимидаги ўрни. Ю.ф.н. илмий даража олиш учун дисс. – Тошкент, 2009. – Б.23.

<sup>22</sup> Махсумов С., Зоҳидова М. Ислохотларга дахлдорлик ҳисси ошиб бормоқда // Халқ сўзи, 2013. -№51 (5725). – Б.2.; Маҳкамova Ф. Демократик ислохотларнинг муҳим мезони // Халқ сўзи, 2014. -№40 (6475). – Б. 2.; Мирзо Ғ. Учинчи секторнинг ҳуқуқий майдони // Жамият, 2015. -№14 (442). –Б. 3.; Маҳаллий ҳокимият органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шерикликнинг самарали тизimini шакллантириш: Бугунги ҳолат ва ривожланиш истиқболлари. / Маъсул муҳаррир Каримов А. – Тошкент: Munis design group, 2016. – Б.4.; [www.minjust.uz.](http://turkistonpress.uz/article/16952.); <http://turkistonpress.uz/article/16952.>; Халқ сўзи, 2016 йил 26 февраль, № 40 (6475); Маҳаллий ҳокимият органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шерикликнинг самарали тизimini шакллантириш: Бугунги ҳолат ва ривожланиш истиқболлари. / Маъсул муҳаррир Каримов А. – Тошкент: Munis design group, 2016. – Б.4.

<sup>23</sup> “Улуғбек” номидаги республика иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 1990 йил 14 мартдаги 137-сонли қарори.

<sup>24</sup> Ўз МА М 80-жамғарма, 1-рўйхат, 3489-иш, 8-9-варақ. Ўз МА М 37-жамғарма, 1-рўйхат, 3482-иш, 8-варақ.

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг “Республика Маҳалла хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 1992 йил 12 сентябрдаги фармони // <https://lex.uz/acts/506514>; Ўз МА М 37-жамғарма, 1-рўйхат, 2569-иш, 8-варақ.

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Соғлом авлод учун” ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 1993 йил 3 июндаги 268-сонли қарори // <https://lex.uz/docs/518911>

Республика жамғармаси<sup>27</sup>, «Олтин мерос», Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси<sup>28</sup> фаолият кўрсата бошлади.

Бу ташкилотларнинг сони ва фаолият турлари кенгайиб борган сари, уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан фаолиятларини мустаҳкамлаш давр талабига айланди. Шу асосда 14 апрел 1999 йилда «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги<sup>29</sup> ҳамда 3 январ 2007 йилдаги Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги<sup>30</sup> қонунлари амалиётга татбиқ этилди. Қонунда давлат субсидиялари, давлат гранти ва давлатнинг ижтимоий буюртмаси каби тушунчалар моҳияти ҳам очиқ берилди. Бундан ташқари, давлат ва нодавлат ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш мақсадида «Ижтимоий шериклик тўғрисида»<sup>31</sup>ги қонун қабул қилинди.

Ўтган асрнинг ўрталарида жамиятдаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ва демократияни қарор топтиришда нодавлат ва нотижорат ташкилотлар энг асосий механизмга айланди. Шу сабабли нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти, уларнинг асосий фаолиятларини чуқурроқ тушуниб етиш, уларнинг демократиянинг асосий бўғини сифатидаги ўрнини таҳлил қилишга жуда катта эҳтиёж туғилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда иқтисодийнинг учинчи сектори сифатидаги ғоя асосчиси Алексис де Токвиль 1831 йилда Америкага қилган саёҳати давомида америкаликлар ўзларини муаммоларини ҳал қилиш учун турли хилдаги ихтиёрий бирлашмаларга бирлашганликларини қайд этади. Де Токвиль Америкадаги мавжуд демократияни таҳлил қилар экан жамият давлатнинг ўзи (биринчи сектор), шахсий манфаатлар ва иқтисодий фаолият (тижорат, иккинчи сектор) ва сиёсий тузилмалар, партиялар, фуқаролик бирлашмалари, диний, илмий, касбий жиҳатдан (нодавлат, учинчи сектор) бўлинишини таъкидлаб ўтади<sup>32</sup>.

Дунё тажрибасидан шуни кўриш мумкинки, нодавлат нотижорат

---

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижодкор ёшларнинг “Истеъдод” Республика жамғармасини тузиш тўғрисида”ги 1993 йил 4 майдаги ПФ-601 фармони // <https://lex.uz/docs/189786>

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси тўғрисида”ги 1996 йил 4 декабрдаги фармони // <https://lex.uz/docs/551463>.

<sup>29</sup> Ўз МА М 80-жамғарма, 1-рўйхат, 908-иш, 6-варак.; Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги 763–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1999 йил, №5, 115-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2012 йил, № 4, 106-модда); Индина И, Индина Е, Завалишина И. Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларига солиқ солиш ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби. – Тошкент: DEKORPELIG AF, 2003. –Б. 9.

<sup>30</sup> “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 1-2-сон, 2-модда; 2008 й., 51-сон, 500-модда) // Халқ сўзи, 4 январь 2007 йил. № 3 (4156).

<sup>31</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонуни “Ижтимоий шериклик тўғриси”даги қонуни // Халқ сўзи, 2014. -№ 187 (6117).-Б. 1-3.; Маметова М. Фуқаролик жамияти институтларининг фаоллиги ошмоқда. // Тошкент окшоми, 2015. -№94 (28.04.15). –Б.2.; Комилова М. Ижтимоий шериклик муносабатлари. // Миллий тикланиш. 2016. -№16 (388). -Б. 4.; Маҳкамова Ф. Демократик ислохотларнинг муҳим мезони. // Халқ сўзи, 2016. -№40 (6475). –Б. 2.

<sup>32</sup> Алексис де Токвиль. Демократия в Америке. Пер.с.франц. – Москва; 2000. – С.5.

ташкilotларни дунё миқёсида ўсиш даражаси ортиб бориш жараёни охириги 30 йилликни ўз ичига олади. Бу йиллар ичида фақатгина АҚШ, Канада ёки Европа давлатларида эмас, балки Осиё, Африка, Лотин Америкасида ҳам бу ташкilotларнинг ўсиб борганлигини кўриш мумкин<sup>33</sup>. Дунё миқёсида нодавлат нотижорат ташкilotларнинг давлатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушига эътибор қаратилса, бу кўйидагича кўриниш ҳосил қилади. Нидерландияда 15,8 %, Венгрияда 2,8 %, Колумбияда 2,1 %, АҚШда 7,5 % ни ташкил қилади. Бу ташкilotларни молиявий қўллаб қувватлаш давлатлар томонидан турли кўринишларда амалга оширилади. Масалан, АҚШда 7,5%, Белгияда 76,5%, Шарқий ва Марказий Европада эса ўртача 20-40%, Нидерландияда 59,0% ни ташкил этади<sup>34</sup>. Бундан кўриниб турибдики, нодавлат сектор турли даражада давлат томонидан молиялаштириб келинади.

Ривожланган давлатлар тажрибасида нодавлат пенсия жамғармалари, хусусан, АҚШ, Буюк Британия, Канада, Япония каби мамлакатларда кенг тарқалганлигини кўриш мумкин<sup>35</sup>. Бугунги кунда замонавий дунё феноменига айланган нодавлат нотижорат ташкilotлар дунё миқёсида давлат функцияларини аста-секин ўзлаштириши юз бермоқда.

**«Республикани модернизациялаш ва жамиятни демократлаштиришда нодавлат нотижорат ташкilotлари ижтимоий шериклиги»** деб номланган иккинчи бобда мустақиллик йилларида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, манзилли ижтимоий ҳимояни кучайтириш, атроф-муҳит муҳофазаси, соғлиқни сақлаш соҳаси, мамлакатни модернизациялаш ва демократик ислохотларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкilotларини давлат ташкilotлари билан ижтимоий шериклиги масаласи таҳлил қилинган.

Бозор иқтисодиётининг ўтиш давридаги ўзига хос қийинчиликлар туфайли оғир шароитда бўлган аҳоли қатламларини вақтинча бўлса-да ижтимоий ҳимоялаш мақсадида «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси ташкил этилади<sup>36</sup>. Жамғарманинг 1996 йилдаги ҳисоботлари таҳлил қилинганда, жамғарма ҳисоб рақамидан ижтимоий ёрдам сифатида 332.501 рубл ёрдам пули ажратилади. Шу билан бирга 1472 нафар кишига 108460 рубллик озиқ-овқат ёрдами, 86200 рубл моддий, 865 нафарига эса 110.776 рубллик кийим-кечак ёрдами берилади<sup>37</sup>. «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармасининг молиявий манбалари таҳлил қилинганда маблағлар айланмаси унчалик катта ҳажмни ташкил этмаслиги, бунинг асосий сабаблари давлат томонидан имтиёзлар билан таъминланмаслигини кўриш мумкин.

Шунингдек, «Маҳалла» жамғармаси томонидан ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласига эътибор қаратилган. Биргина 2014 йилгача жамғарма

<sup>33</sup> Борнштейн Д. Как изменить мир? Социальной предпринимательство и сила новых идей. – М: Альпина Паблишер, 2012. – С. 18.

<sup>34</sup> Жалилов А, Мухаммадиев У ва бошқалар. Фуқаролик жамияти асослари. Ўқув қўлланма – Тошкент; ВАКТРИА PRESS, 2015. – Б 103-107.

<sup>35</sup> Вахобов А. Мажидов Н. Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасининг Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги роли. – Тошкент: Universitet, 2017. – Б. 42.

<sup>36</sup> <http://mehrshavqat.uz/help>

<sup>37</sup> Ўша жойда.



томонидан аҳолининг маънавий-ахлоқий ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича 280 мингдан ортиқ тадбирлар ўтказилган. Кам таъминланган оилалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган ҳамда якка-ёлғиз кексаларни қўллаб-қувватлаш учун жамғарма ҳисобидан 2014 йилда 7 миллиард сўм маблағ сарфланган<sup>38</sup>.

Мустақиллик йилларини илк йилларида ташкил этилган «Наврўз»<sup>39</sup>, «Нуроний» жамғармалари ҳам бу борада самарали фаолият юритди. Жамғармалар фаолиятининг энг асосий муаммоси сифатида молиявий манба бўлганлиги сабабли, улар ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш масаласида ҳам бир қатор ишларни амалга оширдилар. Масалан, «Наврўз» жамғармаси 1997 йилда «Наврўз-97» хайрия лотереясини чиқаришни йўлга қўяди. Лотереядан тушган маблағлар кам таъминланган, кўп болали оилалар, бева ва ёлғиз қариялар, уруш ва меҳнат ногиронларига моддий ёрдам кўрсатиш эди<sup>40</sup>. «Нуроний» жамғармаси томонидан эса ўтган давр мобайнида Республикада қарияларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун бюджетдан жами 11 триллион 618 миллиард сўм нафақа ва 105 миллиарддан ортиқ ижтимоий нафақа ва ёрдам пуллари ажратилди<sup>41</sup>. Келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятида ўсиш бордек кўринади. Аммо бу фақатгина мавжуд маблағларнинг йўналтирилиши ҳисобланган.

Бу борада нодавлат нотижорат ташкилотларнинг аҳамияти катта бўлса-да, улардан фойдаланиш даражаси ҳанузгача паст бўлиб, керакли натижа бермаётганлигини кўриш мумкин. Бунинг асосий сабаби молиявий манбаларнинг етишмаслиги ҳисобланади. Натижада нодавлат нотижорат ташкилотлар катта ҳажмдаги инфраструктура муаммоларини ҳал қилишда ёрдам бера олмайдилар.

Нодавлат ташкилотлар томонидан экология ва атроф-муҳит муҳофазасини сақлашда ҳам самаралари ишлар амалга оширилди. XX асрнинг 80-йилларига қадар кундалик муомалада деярли учрамаган «Экология», «Атроф-муҳит муҳофазаси» каби масалалар бугунги кунга келиб давлат сиёсати даражасига кўтарилди<sup>42</sup>. Бу ташкилотлар орасида атроф-муҳит, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда «Халқаро Оролни асраш» жамғармаси, «Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш» жамоат хайрия жамғармаси, «Экосан» жамоат фонди ва бир нечта нодавлат нотижорат ташкилотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Биргина «Экосан» жамғармаси мустақиллик йилларида ушбу соҳада салмоқли ўринга эгадир. «Экосан» халқаро хайрия экология ва саломатлик жамоат фонди 1992 йилдан буён нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида

<sup>38</sup> Худойшукуров З. Маҳалла фуқаролик жамиятининг ноёб институти // Халқ сўзи, 2015. -№62 (6245). – Б.3.

<sup>39</sup> ЎзМА М 37-жамғарма, 1-рўйхат, 3482-иш, 93-варақ.; Ўз МА М 37-жамғарма, 1-рўйхат, 2569-иш, 8-варақ.

<sup>40</sup> ЎзМА М 37-жамғарма, 1-рўйхат, 2031-иш, 38-варақ.; Ваҳобов А.В. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. – Тошкент: Шарқ, 2003. – Б.253-254.

<sup>41</sup> Нуроний жамғармаси жорий архиви.

<sup>42</sup> Давлетов С.Р. XX асрнинг сўнги чорагида Қуйи Амударё худудида ижтимоий-экологик вазият ва демографик жараёнлар. Т.ф.н. илмий даража олиш учун дисс. - Тошкент, 2003. – Б. 3.

фаолият олиб боради<sup>43</sup>. Жамғарманинг Оролбўйи аҳолиси учун энг катта аҳамият касб этган дастури бу «Оролбўйи аёллари ва болаларига экологик ва ҳудудий ёрдам лойиҳаси «АСПЕРА»дир. Бу лойиҳа 1995 йилда ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда ишлаб чиқилади. Лойиҳа асосан ҳудуд аҳолисини саломатлиги ва турмуш шароитини яхшилашга қаратилган.

Республикада фаолият юритиб келаётган жамғармалардан яна бири «Соғлом авлод учун» жамғармаси бўлиб, биргина 1993 йилда 800 минг АҚШ долларига тенг бўлган ногиронлар учун аравачалар тарқатилади. Бундан ташқари жамғарма томонидан Германиянинг «Гербалайф» фирмасининг 24 минг 642 АҚШ долларига тенг тиббий воситалари ҳам вилоятларга етказиб берилди<sup>44</sup>. Бу ўз навбатида мустақилликнинг илк йиллари учун нодавлат ташкилот томонидан амалга оширилган катта ташаббус ҳисобланарди. Аммо молиявий масалалардаги муаммолар туфайли амалга оширилиши лозим бўлган лойиҳалар тўхталишига сабаб бўлди<sup>45</sup>.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар Ўзбекистонда 2016 йил ҳолатига кўра 40% фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси билан, 14,2 % аёллар ва ёшлар муаммоларини ҳал қилиш билан, 13,6 % соғлиқни сақлаш, таълим, экология масалалари билан, 32% эса жамиятдаги бошқа масалалар билан шуғулланди<sup>46</sup>.

Нодавлат нотижорат ташкилотларни грант танловларидаги иштироклари таҳлил қилинганда 2011 йилда 122 та, 2012 йилда уларни сони 163 тага ўсганлигини кўриш мумкин. Уларни ичида ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотлари сони икки баробар ортгани эътиборга моликдир<sup>47</sup>. Ушбу маълумотлар 2012 йил натижалари билан таҳлил қилинганда нодавлат нотижорат ташкилотларни 40% зиёдроғи фуқароларга ҳар хил турдаги ижтимоий масалаларда ёрдам кўрсатди. Ривожланиш дастури, Гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси (ЮНОДС), Аҳолишунослик бўйича жамғармаси (ЮНФПА), Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти, Аёллар тузилмаси, Таълим, фан ва маданият бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО), ОИВ/ОИТС бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти дастури (ЮНЭЙДС) кабилардир<sup>48</sup>. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва “Конрад Аденауер фонди” (09.11.1993й), “Фридрих Эберт фонди” (19.05.1998 й)<sup>49</sup> каби халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлар билан битимлар имзоланган. Хорижий шериклар билан ҳамкорликни кенгайтириш, фуқаролик жамияти институтлари потенциалини янада ошириш мақсадида 2012-2015 йиллар оралиғида 20 га яқин турли хилдаги учрашувлар,

<sup>43</sup> ЎзМА М 37-жамғарма, 1-рўйхат, 2031-иш, 8-21 варақлар.

<sup>44</sup> Иномова С. Соғлом авлод ватан таянчи. – Тошкент: Ўқитувчи, 2013. 42–43-б.

<sup>45</sup> ЎзМА М 37-жамғарма, 1-рўйхат, 2569-иш, 6-варақ.

<sup>46</sup> Жалилов А, Муҳаммадиев У ва бош. Фуқаролик жамияти асослари. – Тошкент; 2015. – Б 179-180.

<sup>47</sup> Махсумов С., Зоҳидова М. Ислохотларга дахлдорлик ҳисси ошиб бормокда.// Халқ сўзи, 2013. -№51 (5725). – Б.2.

<sup>48</sup> Ортиқов Ш. Ҳамкорлик ва тараққиёт. // Халқ сўзи, 2013. -№43 (5717). –Б. 3.; Ортиқов Ш. Тараққиёт йўлида изчил ҳамкорлик. // Халқ сўзи, 2013. -№209 (5883).-Б. 1-2.

<sup>49</sup> Қосимова Н. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг роли. – Тошкент: ООО Invite Design. 2015. - Б. 13.

конференция ва семинарлар ташкил этилди<sup>50</sup>.

Кейинги йилларда соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ҳозирги кундаги бу ташкилотларнинг муаммолари ечимига маълум ойдинлик киритаётганликларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар иштироки**» деб номланган бўлиб, унда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларни баркамол авлодни тарбиялаш, ёшлар сиёсатини амалга оширишдаги фаолияти, тарихий маданий кадриятларни асраш ва сақлаш, хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлашдаги ижтимоий шериклиги масалалари статистик маълумотлар асосида тадқиқ этилган.

Маълумки, ҳозирда республика аҳолисининг қарийб 64 фоизини ёшлар, яъни 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади<sup>51</sup>. Шу аснода келажак авлодни танлаган мутахассислиги бўйича таълим олиши, соғлигини муҳофаза қилиши, тегишли касбни эгаллаши, оила куриш ва уй-жой билан таъминланиши сингари муаммоларни ҳал қилиш мақсадида ўтган давр мобайнида мавжуд шароитлар янгиланди. Ушбу жараёнларни амалга ошириш учун ҳуқуқий тизим яратилди. Адлия органлари томонидан рўйхатга олинган ёшлар нодавлат нотижорат ташкилотлари билан бир қаторда 71 та электрон, 133 та босма ёшлар оммавий ахборот воситалари ҳамда 495 та нодавлат таълим муассасалари каби фуқаролик жамияти институтлари фаолият юритиб келмоқда<sup>52</sup>. Бундан ташқари ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий фаоллигини оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ташкилий ҳуқуқий шакли ҳисобланган жамоат фондлари ҳам фаолият олиб боришди.

